

Муфтий ҳазратлари Макка шаҳридаги умрачилар билан учрашиб, уларга кўрсатилаётган хизматлар билан танишдилар



19:20 / 07.05.2022 1942

Маккаи мукаррама шаҳри бўйлаб сафарлари давом этаётган муфтий Нуриддин домла ҳазратлари ва Дин ишлари бўйича қўмита раиси Содиқжон Тошбоев бошчилигидаги Ҳаж делегацияси меҳмонхонада истиқомат қилаётган ўзбекистонликлар умрачилар билан мулоқот қилдилар ва уларнинг дил изҳорларига қулоқ тутдилар.

Дарҳақиқат, Ислом манбаларида ҳаж ва умра қилувчиларга кўмак берган, унинг оғирини енгил қилган кишига катта ажру савоблар борлиги баён этилган. Шу мақсадда, делегация аъзолари томонидан бир неча кундан буён юртдошларимиз ҳаж ва умра амалларини мукамал адо этишлари

учун зарур бўлган шарт-шароитларнинг энг яхшисини ҳозирлаш устида иш олиб бормоқдалар. Улар зиёратларимиз ҳаж амалини тўлиқ адо этишлари учун муҳим бўлган шароитларни тайёрлашга ҳаракат қилиб, зиёратчиларга юқори даражада хизмат кўрсатадиган меҳмонхоналар фаолияти билан танишиб, уларни сараламоқдалар.

Муфтий ҳазратлари Макка шаҳрида ўз ибодатларини адо этаётган умрачилар билан мулоқот қилдилар. Учрашувда муфтий ҳазратлари юртдошларимиздан яратилган шароитлар ҳақида уларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдилар. Зиёратчиларимиз шароитлардан мамнунлигини билдириб, айниқса, меҳмонхонанинг Ҳарами шарифга яқинлиги, беш маҳал намоз ва зиёратларни адо этишга қулайлигини алоҳида эътироф этиб, бу ишларга бош бўлган мутасаддилар ҳақида дуолар қилдилар.

Шу билан Ўзбекистон делегацияси “Ҳаж - 2022” мавсумини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни Саудия Арабистонидаги мутасадди идоралар билан мулоқотларини якунлаб, ўз сафарларини якунига етказдилар.

Manba: Muslim.uz